


## ДАВЛАТ РИЗАЕВ

Давлат Ризаев 1903 йил Янги Урганчда боғбон оиласида туғилган. У 13 ёшигача отаси Риза бува ва онаси Саломат аялар бағрида улғайди, эски мактабда таҳсил олади. Шундан сўнг Янги Урганчнинг давлатманд савдогарларидан Матёқуб Култага шогирд бўлиб ишга ёлланади. У иш билан бир вақтда янги усуlda дарс берадиган ўқитувчига қатнаб, рус тилини ҳам ўрганади. Давлат Ризаев 1918-20 йиллар давомида Жунаидхон ёрдамида Янги Урганчга ҳоким бўлган, Маматбийнинг маҳрами бўлиб хизмат қилади ва ўзининг рус тилини билиши, интилувчанлиги билан тезда кўпчиликка танилади. Хивада хонлик тузуми ағдарилгач, 1920 йил март ойидан 5 ой давомида Давлат Ризаев Хивадаги интернатда тарбиячи бўлиб ишлайди. Сўнг бошқа тенгдошлари қаторда 1920-21 йилларда Оренбургдаги татар муаллимлар институтида ўқийди. Бироқ, иқтисодий қийинчиликлар туфайли ўқишини якунлай олмади. Тошкент шаҳрига келиб, 6 ойлик совет партия мактабини битиради. Д.Ризаев бу вақтда тарақкийпарвар ёшлардан бири сифатида турли газеталарга мақолалар ҳам ёзиб турган. Хоразмга қайтгач, 1921 йилнинг сўнгида Хоразм компартиясига кирди ва 1921 йил ноябрдан Хивада маориф нозирлигида умумий бўлим мудири ва 1922 йилдан Хоразм Xalq Республикаси Маориф Xalq комиссарлигининг молия бўлими бошлиғи лавозимларида ишлади. Айни вақтда Хоразмда ягона бўлган мактаб-интернатнинг ҳам раҳбари эди.



Д.Ризаев 1923 йил Хоразм комсомол ташкилоти марказқўмига ташкилий бўлим мудири, сўнг Хоразм Xalq Республикаси комсомол қўмитаси биринчи котиби этиб сайланади. 1923 йил сентябргача XXR МИК президиуми аъзоси сифатида мамлакатни ҳар тарафлама ривожлантириш, жумладан, иқтисодий мустақилликка интилиш, маорифни тарақкий эттириш йўлида тинимсиз меҳнат қилди. Д.Ризаев ўлкада халқ хўжалигини тиклаш ишида қисқа вақтда катта муваффақиятларни қўлга киритади. У мазкур хизматлари учун Хоразм

Халқ Республикаси ҳукумати томонидан “Меҳнат байроғи” ордени билан тақдирланади.

Д.Ризаев 1923-24 йиллар давомида Хоразм Маориф халқ комиссари вазифасида иш олиб борди. 1924 йил январь ойида Хивага Жунаидхон ҳужум қиласи. Бу ҳужумнинг асл сабаби Хоразм халқининг совет иқтисодий сиёсатига қаршилиги эди. Жунаидхон ҳужумдан аввал Хива ва бошқа ҳудудлардаги оқсоқолларга хат билан мурожаат этган ва уларнинг розилиги билан ўз ҳаракатини бошлаган эди. Шундай бир мураккаб шароитда совет ҳукумати Жунаидхонга қарши курашга эл орасида, айниқса ёшлар ўртасида обрўси юқори бўлган Д.Ризаевни жалб этади. У дастлаб, Янги Урганч ва Хонқага, февраль ойидан Иляли, Тошовуз ва Қорақум ҳудудларида инқилобий қўмита раиси сифатида иш олиб борди. 1924 йил май ойигача ҳудудларда аҳоли билан учрашиб уларнинг муаммоларини ўрганади ва аҳолини тинчлантиришга эришади. Д.Ризаевнинг бу тадбиркорлиги Хоразм Халқ Республикаси ҳукумати томонидан “Қизил байроқ” орденига муносиб кўрилади. Бироқ, шу даврда советлар давлатининг Маркази “миллий чегараланиш сиёсати” ўтказиш баҳонаси билан Хоразм Халқ Республикасини тугатиш мақсадида очик иш бошлаган эди.

Д.Ризаев XXСР компартияси биринчи котиби Қаландар Одинаев, иккинчи котиби Исҳоқ Хонсуваров, Ички ишлар халқ комиссари Маткарим Абдусаломов, Хоразм давлат сиёсий бошқармаси бошлиғи Матёқуб Атажонов (ГПУ)лар билан бунга қарши жиддий курашга киришадилар. Ҳатто, Д.Ризаев 1924 йил ёзида Хоразм ХСР МИҚ раиси Султон қори Жуманиёзов билан Москвага бориб, СССР Ташқи ишлар халқ комиссари Чичерин билан учрашади. Уларни Чичерин кечаси соат 12 00 ўз кабинетида қабул қиласи (Афтидан Чичерин бошқа илож тополмаган-муаллиф). Султон қори ва Давлат Ризаевлар ундан Хоразмнинг давлат мустақиллигини сақлаб қолища ёрдам беришини сўрайдилар ва аввалги имзоланган шартномаларига амал қилишларини талаб қиласи.

Табиийки, совет давлати учун унинг шартномалари бу вақтдан ютиш учун ёхуд шунга ўхшаш ғаразли мақсадлар асосида вақтингчалик алдов чорасидан бошқа ҳеч нарса эмасди. Энди вазият ўзгарган, Чичерин ҳам бошқалари қатори аввалги ваъдаларни аллақачон унтиб юборган эди. У советлар ҳукуматининг лафзи бўлган шартномалар ҳақида эшитишни ҳам истамади. Фақат “... мустақилликни сақлаб қолиш ўзларингга боғлиқ” дейиш билангина чекланди.

Султон қори ва Давлат Ризаев зудлик билан Хоразмга қайтадилар ва Тошховуз шаҳрида мазкур масала юзасидан съезд чақиради. Унда барча халқ вакилларининг диққатини миллий давлат чегараланиши масаласига қаратадилар. Съезд вакилларидан оқсоқоллар, диндорлар, айниқса, барча ҳудудлардан чақирилган ишчи меҳнаткашлардан иборат гурӯҳлар тузилиб, уларнинг номидан съезд қарорини қабул қиласидилар. Унда Хоразм ХСРнинг мустақиллигини сақлаб қолиш масаласи сўралади. Улар Марказдан юборилган вакил Броїда билан ҳам бир неча марта музокаралар олиб боради. Броїдага Хоразм ХСРни сақлаб қолиш учун хусусан, Фарғона водийси билан тилидаги, урф-одатларидағи фарқлари, ўлканинг иқтисодий жиҳатдан алоҳидалиги масалаларини асос қилиб кўрсатади. 1924 йил августда бу масалани ўргани учун Хоразмга Москвадан Куйбишев келади. Сентябрь ойида эса Хоразмда ташкил этилган маҳсус гурӯҳ Москвага Сталин билан шу мавзуда сұхбат ўтказдилар. Бироқ, оқибат шу бўлдики, барча Хоразм ҳукумати раҳбарлари ХХСРнинг тугатилишига рози бўлишга “кўндирилди”.

Хоразм ХСРнинг мустақиллиги учун оташин курашчи Д.Ризаев 1924 йил ноябрь ойида Бутуниттифоқ компартияси Ўрта Осиё бюроси қарори билан ЎзССР Маориф халқ комиссари ўринбосари вазифасига тайинланади. Шунингдек, ЎзССР МИК ва ХҚС аъзолигига сайланади<sup>1</sup>. Д.Ризаев ЎзССР КП (б) МҚ тарғибот ташвиқот бўлими мудири Усмонхўжаев билан бирга республикада миллий таълим тизимини шакллантириш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширади. Унга бир пайтда “Маориф ва ўқитувчи”

<sup>1</sup>ЎзР МДА, Фонд 34., оп., 1., д. 2375. л. 1.

журналининг муҳаррири вазифаси ҳам юқлатилди. Давлат Ризаев “Маориф ва ўқитувчи” журналининг 1925 йилда чоп этилган 12 та сонига ва 1926 йилдаги 1-4 сонларига масъул муҳаррир бўлди. Журналнинг 1925 йил 1 март илк сонида унинг “Навбатдаги вазифаларимиз ва муаллимлар” мақоласи чоп этилган. Мақолада янги Ўзбекистон жамиятини тарақиёт сари бошлаш ва унинг халқ хўжалигини жадал йўлга солишида муаллимларнинг ўрнига алоҳида тўхталиб ўтади. Қишлоқ аҳолисининг асосий қисми саводсиз бўлғанлиги учун давлат билан деҳқонлар ўртасидаги хуқуқий муносабатларни йўлга қўйишда муаллимлар иштирок этиши лозимлигини ўқтиради. Айниқса, жамиятни замонавий босқичга кўтариш учун ўрта асрчилик турмуш анъаналарига чек қўйиш, аҳоли ўртасида саводсизликни бутунлай тугатиш лозим дейди. Бу йўлда жамоатчилик ёрдамида мактабдан ташқари курслар очиш, қизил чойхоналарда китоб ва газеталарни тарғиб этишга чақиради<sup>2</sup>.

“Учинчи жабҳани битиришга кучли ҳаракат бошлансин” деб номланган мақоласида Ўзбекистонда мавжуд бўлган 2958 та билим уйида 173746 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Бу эса Ўзбекистон аҳолисининг 4%и, яъни ўқиши ёшидаги болаларнинг фақат 12-13% и демакдир. 850000 бола мактабларда ўқишидан маҳрум. Бу 171,22 минг км<sup>2</sup> лик Ўзбекистоннинг ҳар 117 км<sup>2</sup> га бир мактаб тўғри келади дейди. Юқоридаги мисоллари асосида у янги Ўзбекистон хукумати учун халқ маорифи масаласи нақадар муҳим муаммо эканлигига омманинг эътиборини қаратади. Д.Ризаев Ўзбекистоннинг 10 йиллик байрамига аҳолини 100% саводхонликка эришишни режалаштирилаётгани ҳамда Ўзбекистон маданияти ва маорифи ишчиларининг 1-қурултойида зиёлий-муаллимларнинг ғайрати орқасида саводсизликни тугатишга келишилганлигини маълум қиласи<sup>3</sup>.

Журналнинг 1926 йил 3-сонида чоп этилган “Фаолият билан киришилсин” мақоласида эса юқоридаги фикрларини давом эттириб,

<sup>2</sup>Каранг:Ризаев Давлат. Навбатдаги вазифалар ва муаллимлар // Маориф ва ўқитувчи” 1925 йил, март. № 1.

<sup>3</sup>Каранг:Ризаев Давлат. Учинчи жабҳани битиришга кучли ҳаракат бошлансин // Маориф ва ўқитувчи. 1926 йил. № 2.

Ўзбекистонда 10 йилда саводсизликни тугатиш масаласи фавқулодда жуда оғир вазифа эканлигига тўхталади. Шу йилнинг ўзида муаллимлар армиясини тайёрлаб бориш мақсадида ёзги таътилда 2000 нафар муаллим учун тайёрлов курси очилганлигини яна қишлоқ ёшларидан 450 нафарига қисқа муддатли курслар очилганидан хабар беради. “...Бу ишимизга кўпчилик “кўр”лар қаршилик билдиримоқдалар. Тўғри ўқитувчиларимиз қишлоқларда қишининг совуғида оғир шароитли мактабларда меҳнат қилдилар. Бироқ, ёзда дам олмай яна ишлаётган бу маориф аскарлари эртага мактабларига янада катта илм билан қайтадилар. Улар энди ўқувчиларнинг барча саволларига қийналмасдан тўғри жавоб бериб, малакали меҳнат қиладилар ва уларнинг шогирдлари келажакда етук кадрлар бўлиб миллатимиз равнақига хизмат этадилар, дейди<sup>4</sup>.

1926 йилнинг август ойида Д.Ризаевни тўсатдан ишдан олишиб, уни ўқиш учун Москвага йўллайдилар. Д.Ризаев Хоразм XСР КП(б) собиқ котиби Карим Болтаев, ЎзССР КП(б) собиқ биринчи котиби Рустам Исломов, Усмонхон Эшонхўжаев, Нишонбек Мавлонбеков, Иброҳим Эшонхўжаев каби ўша вактда Ўзбекистоннинг энг илғор йигитлари билан бирга таълим оладилар.

Д.Ризаев 1926-1929 йиллар давомида Москвада Свердлов номидаги комуниверситетда ўқиёди. 1929 йил Хоразмга келганида партия конференциясида иштирок этади. Иштирокчилар уни бир овоздан Хоразм округ партия қўмитасига котиб лавозимига сайлайдилар. У мазкур масъулиятли лавозимда ўқишини якунлай олмади ва фақат 1930 йил май ойида бу ишдан озод этилганидан сўнг яна ўқишини якунлаш учун Москвага қайтади. Д.Ризаев 1932 йил февраль ойида ўқишини тутатиб келди ва ВКП(б) Ўрта Осиё бюроси томонидан Норин туман партия қўмитасига котиб вазифасига тайинланади.

Давлат Ризаев 1933 йил 1 августдан Самарқанд шаҳар партия қўмитаси котиби, 1934 йил май ойидан ЎзССР КП(б) МҚ нинг партия назорат ва

<sup>4</sup>Қаранг:Ризаев Давлат. Фаолият билан киришилсин // Маориф ва ўқитувчи. 1926 йил. № 3.

ваколат комиссияси ўринбосари лавозимига тайинланади. 1937 йил 29 апрелдан эса Қарақалпоғистон вилоят партия қўмитасининг котиби бўлди. У Қарақалпоғистонда халқ хўжалигини изга солишда ишни биринчи бўлиб, кадрлар соҳасидан бошлади. Воҳадаги аҳволнинг ниҳоятда аянчли ҳолга келиб қолганига чидай олмайди. Айниқса, НКВД ходимларининг ноқонуний ҳаракатларини тийиб қўйишга интилади. Бироқ, бу иш осон кечмади...

Д.Ризаев 1937 йил 24 июлда А.Икромов номига хат йўллаб, икки ойлик раҳбарлиги даврида ўзи дуч келган муаммолар ҳақида баён қиласди. Унда НКВД ходимлари томонидан қўплаб хўжалик соҳаларининг билимдонлари факат кўрсатмалар асосида ишдан олинниб, партиядан ўчирилиши натижасида хўжаликлар умуман кадрсиз қолганлигини, жумладан, масъул лавозимларнинг 80% бўш эканлигини ёзади<sup>5</sup>. Бироқ, бу пайтда А.Икромовнинг ўзи ҳам қийин аҳволда қолган эди. Хат эгасига етиб борганми йўқми бу номаълум. Аммо, шу аниқ-ки, Д.Ризаевнинг бошига етди. 1937 йил 28 июл куни ёқ ҳеч бир асоссиз ишдан олинди ва уни зудлик билан қамоқقا олиш чораларини излай бошладилар.

1937 йил 3 август куни ЎзССР ИИХК Загвоздин 4-бўлим терговчилари Агабеков ва Леоновлар томонидан тайёрланган қарорни имзолади. Унда Д.Ризаевга аксилинқилобий ташкилот аъзоси деб айб қўйилди. 1937 йил 3 августнинг ўзида ордер олинниб, 4 август куни Тошкент шаҳри, Оққўрғон кўчаси 25 - уйда тинтув ўтказилди. Унинг “Маузер” куроли, паспорти, орденлари, хужжатлари бор нарсалари хатлаб олиб кетилди. Эндиғина 35 ёшни қарши олган Давлат Ризаев ортидан хотини Хадича (30 ёш) ва қизлари Искра (11 ёш), Роза (6 ёш), Феруза (2 ёш)лар қон йиғлаб кузатиб қолдилар.

Унинг анкетасидан маълум бўлишича бу пайтда отаси Риза бува (72 ёш), онаси Саодат ая ва укаси Ражаб (27 ёш)лар Урганчда яшаганлар.

Агабековнинг 1937 йил 21 август куни имзолаган қарорида Д.Ризаевга ҳеч бир жўяли асосларсиз 1926 йил Москвада У.Эшонхўжаев,

---

<sup>5</sup>Бабашев Шарип. Қарағалпақстан Республикасы тарихындағи сиясий курбанлар. Нукус “Қарақалпоғистон”. 2003. 173 б.

М.Мўминовлар билан троцкийчи гурухга аъзо бўлган деб, ЎзССР ЖКнинг 66-1, 67 моддалари ҳам қўлланади.

1937 йил 4 август санаси билан Д.Ризаевни ўз айбларини тўлиқ тан олган ҳолда СССР ИИХК "темир нарком" Ежов номига ариза ёзишига мажбурлашади. У аризасида ўзига қўйилаётган айбловларнинг барчаси қуруқ тухмат эканлигини, 1926-27 йилларда Москвада ўзи ижарага олган уйида хотини билан яшаганини ва троцкийчи гурухлар ҳакида ҳеч қачон эшитмаганини ёзади. Қорақалпоғистонда эса 1937 йил 27 апрелдан 28 июлгача ишлагани фаолиятида жиноят у ёқда турсин бирорта жиддий хато ҳам топа олишларига ишонмаслигини таъкидлайди.

1937 йил 22 август куни ўтказилган сўроқда унга ЎзССР МҚ қишлоқ хўжалиги бўлимида котиба бўлган Валентина Артунянц билан алоқалари, у билан сиёсий мавзуда суҳбатлашган-суҳбатлашмаганигача суриштирадилар.

1937 йил 25 август куни сўроқда оила аъзолари, хотини ҳакида сўрадилар. Бироқ, сўроқлардан уни айбдор қиласиган бирор арзирли баҳона топа олмагач, унинг ўтмишини суриштира бошлайди. Д.Ризаев мен ҳеч қачон аксилинқилобчи бўлмаганман. Аммо, Хоразмнинг мустақиллиги учун курашганман ва буни ҳеч бир вақт жиноят бўлган деб ўйламайман дейди. Шундан сўнг, Москвадаги талабалик даврига тўхталиб, у ерда ҳеч қандай троцкийчи ташкилот бўлмаган. Фақат 1927 йил Москвада Ўзбекистоннинг доимий вакили бўлган Акбар Исломовнинг уйида бўлган бир ошхўрликда бу пайтда “Красная профессура” институтида ўқиётган Усмонхўжаев А.Икромовга қарши “сен Ўзбекистонни “қизил колония” айлантиридинг” деб танқид қиласиган эди. Бироқ, ўтирган А.Исломов, К.Болтаев, X.Тожиевлар Усмонхоннинг фикрига қўшилмаган эдилар, дейди. Шундан сўнг савол Д.Ризаевнинг уйида тинтуб вақтида топилган Жунаидхонинг Хива оқсоқолларига мурожаатига келади. “Тўғри у менда эди. Аммо, мен уни кейинроқ “1924 йил воқеалари” деган эсдалик китоб ёзишим учун манба сифатида олиб қўйган эдим”, дейди.

Москвада Д.Ризаевнинг хонадонига собиқ Хива хони ўғли Бобожон Асфандиёровнинг боргани, ҳатто, 1930-31 йилларда босмачиларга қурол сотиб қўлга тушган милиция ходимлари Мадалиев ва Бобожоновлар ҳақида ҳам саволлар берилади. Бу ҳолат эса Д.Ризаевнинг орқасидан аллақачон доимий кузатув белгиланганлигини исботлайди. У ўзининг ҳеч қачон аксилинқилобий ҳаракатда бўлмаганини таъкидлаб, хотини ва фарзандларига хайрлашув хатини йўллади.

1937 йил 28 август куни ўтказилган сўроқда унинг собиқ Хоразм ҳукумати аъзолари Отамахсум, Бекжон Раҳмон, Матюсуф Девон, Жуманиёз Султонмуродов, Назир Шоликоров, Полвонниёз ҳожи Юсуповлар билан алоқалари ҳақида сўрайдилар. 1924 йилда Бекжон Раҳмон XXСРда Д.Ризаевнинг ўринbosари бўлган ва 1925-26 йиллар эса Д.Ризаев ЎзССР Маориф ҳалқ комиссари бўлганида Самарқандга унинг уйига Бекжон Раҳмон 2-3 марта келиб, меҳмон бўлган эди. Аммо, “мен унинг уй қуриши учун қурилиш материаллари юбормаганман” дейди. Шунингдек, собиқ Хоразм Ташқи ишлар нозири Жуманиёз Аллақулов ва унинг укаси Иброҳим Аллақуловлар ҳақида гапиради.

1937 йил 2 сентябрь куни сўроқда Мўмин Усмонов ҳақида гапириб берди. Шунча сўроқлар давомида ундан бирорта жиддий камчилик топа олмаган терговчилар энди янада қатъиyroқ йўлларга ўта бошлади. Д.Ризаев бунга қарши ўз норозилигини билдириб, мен ҳеч қачон ҳеч кимга қарши кўрсатма бермайман деб НКВД ходимларини ноқонуний ҳаракатлари учун ҳақорат қиласади.

230

Перевод с узбекского языка

Копия:

Тов. ЕЖОВ !

Я никогда националистом, троцкистом не был. Меня вынудили ложными материалами. Меня сделали националистом, троцкистом. Мне причиняли невиданные мучения. В течение двух месяцев мне остался один путь - умереть. Сама такая смерть противна партии. Другого пути я не смог найти. О мучениях, испытанных мной, расскажет следователь, если у него есть совесть. Я на партию не в обиде. Я подавлен этим делом. Остались мои маленькие дети. Прошу проверить.

ПРОЩАЙ ! РИЗАЕВ

/XI-37 г.

Прощайте Хадица, Учкун, Руза, Фироза.

Перевел переводчик ВП ТУРКВО

/ ЗВЕРЕВ /

26.7.56 г.

ВЕРНО: ПОМ ВОЕННОГО ПРОКУРОРА ТУРКВО  
МАЙОР ЮСТИЦИИ

 КАПРЕЕВ/

1937 йил 5 сентябрь куни Агабеков ёзини ёмон тутди деган баҳона билан уни 5 кун карцерга буюради. 1937 йил 15 сентябрь куни сўрока давомида у аввалдан тайёрлаб кўйилган, яъни А.Икромовдан бошлаб 39 кишининг номи келтирилган рўйхатни имзолашга мажбур этилади. Бирок, унга ҳам ўз муносабатини киритиб, “рўйхатдагилар ҳеч қачон аксилинилобчи бўлган эмас, балки ҳақиқий дўстлар эдилар” деб ёзиб қўяди.

Давлат Ризаев иши бўйича гувоҳ сифатида аввало, 1937 йил 10 август куни унинг турмуш ўртоғи ЎзССР умумий овқатларниш иттифоқи раиси Хадича Бекмуҳаммедова (1907) чақирилди. У “1926-32 йилларда Москвада эрим билан бирга яшадим. Паловхўрликларда Карим Болтаев ҳам келарди. Бироқ, улар ҳеч аксилинқилобий мавзуларда гаплашмаганлар” дейди.

1937 йил 22 август куни сўроққа тортилган Валентина Артунянц Д.Ризаев билан ўзаро таниш бўлгани ва унинг ҳеч бир аксилинқилобий ҳаракатини

Перевод с узбекского языка

Копия

229

МИЛЯХАДИЧА!

Погибаю в молодые годы, но умирать не хочется. На основании ложных материалов меня показали врагом народа. Больше жить мне нет возможности. Дети остались маленькими. Советская власть и партия воспитают их. Я не враг народа. Прощай: ушедший из жизни, твой давлят. Поцелуй за меня детей, я их не увижу. Меня нет.


Перевел переводчик ВП ТУРКВО

/ЗВЕРЕВ/

26.7.56 г.

Зерно:

ПОМ ВОЕННОГО ПРОКУРОРА ТУРКВО  
МАЛОЙ ЮСТИЦИИ



/КАРЕЕВ/

сезмаганини қаттиқ туриб ҳимоя қиласди.

1937 йил 23 август куни сўроқда Карим Болтаев ҳам Давлат Ризаев билан 1922 йилдан таниш бўлгани ва сўнг Москвада бирга ўқиганини, аммо унинг ҳеч қачон аксилинқилобий жиноятга қўл урмаслигига ишонишини айтади.

Давлат Ризаев турманинг азоб укубатлари ва адолатсизликка чидай олмай ўз жонига қасд қиласди. Тиббий хулоса натижаларига кўра, у 1937 йил

30 сентябрь куни тонг соат 4 25 да ўзини темир трубага ташлаб умуртқасини синдиради ва бир сутка оғир ҳолда ётиб, 1 октябрь куни вафот этади. 1937 йил 14 октябрь куни Антонов, Агабековларнинг сўрови асосида Леонов унинг ишини тўхтатди ва архивга юборади. Бироқ, унинг иши ўз жонига қасд қилиши билан якун топмади. Аксинча, энди уни янада даҳшатлироқ бўхтонлар билан бадном этишга киришадилар. Жумладан, 1937 йил 17 август куни Маткарим Абдусаломов (1898) номидан Д.Ризаевнинг Мулла Бекжон, Салай Баққолов, Иброҳим Аллакулов, Бобожон Асфандиёров каби “аксилинқилобий унсур”ларни қўллаб-қувватлагани, 1937 йил 21 августда Мадраҳим Рўзметов (1906) унинг собиқ бойлар Бекжонов Дурди қори, Искандаров Салайларни партиядан ўчирилишига қарши туриб, уларни партияда сақлаб қолгани акс этган “жиноятлари” қайд этилди ва ишга тикилди.

1956 йил 13 апрелда Д.Ризаевнинг қизи Учқун (Искра) Давлатовнанинг Урганчдан Ўзбекистоннинг раҳбари Ш.Рашидов номига ёзган аризаси асосида унинг иши қайта кўриб чиқишига тортилди. *1956 йил 13 апрелда Искра Давлатовна Ш.Рашидов номига ариза йўллаб, “отамни 1939 йил 10 йилга қамалган деган хабар бершидилар. 1955 йил ёзсан, 1955 йил декабрда 41-45 йилларда вафот этган мазмунида мужсал жавоб бердилар. Умуман, унинг гуноҳи нима эди. Фарзандларининг энг каттаси мен 10 ёшида кичиги 2 ойлик эди. Онам ҳам партиядан ҳайдалган. Уни оқлаш керак”* Урганч ш., Госбанкдан.

1957 йил 13 июн куни сўроқда Насриддин Хўжаев (1896): “... мен 1927-28 йилларда Москвадаги иқтисодиёт институтида ўқиб юрганда Д.Ризаев билан танишган эдим. 1937 йил ЎзССР НКВДси масъул ходимлари Матвеев ва Агабековлар мени ТожССР санъат ишлари бошқармаси бошлиғи ва профсоюз раиси сифатида Тошкентга чақиришиб қўп бўхтонлар ёзилган қоғозларга мажбуран имзо чектириб олдилар. Мен Душанбега боргач, ТожССР КП МҚнинг биринчи котибиға бўлган воқеаларни

822

ВЫПИСКА ИЗ

Обзорной справки по архивно-следственному делу по обвинению РИЗАЕВА Давлата, 1903 года рождения, состоявшейся Помощником прокурора ТУРКИД подполковником юстиции ГРИШЕНКО 25.7.1956.

"4 августа 1937 года органами НКВД УзбССР, как один из руководителей существующей в Узбекистане националистическо-троцкистской контрреволюционной организации был арестован РИЗАЕВ Давлат..."

...В деле по обвинению РИЗАЕВА Давлата имеется протокол допроса от имени РИЗАЕВА Давлата, датированный от 23 сентября 1937 года...

На обороте последнего листа протокола рукой следователя АНТОНОВА написано:

"Вследствие самоубийства, обвиняемым РИЗАЕВЫМ Давлатом протокол допроса не подписан"

...В отдельном пакете "личные документы РИЗАЕВА Давлата" имеются два предсмертных письма РИЗАЕВА, написанные арабским шрифтом на узбекском языке.

В одном из этих писем РИЗАЕВ Давлат пишет:

"Я никогда националистом, троцкистом не был, меня вынудили ложными материалами, меня сделали националистом, троцкистом, и мне причиняли невиданные мучения. В течение двух месяцев мне остался един путь умереть. Сама такая смерть противна Партии. Другого пути я не смог найти".

В другом письме на имя своей жены РИЗАЕВ пишет:

"Милая Ходида! Погибай в молодые годы, но умирать не хочется. На основании ложных материалов меня показали врагом народа. Больше жить мне нет возможности. Осталась маленькие дети. Советская власть их картина воспитывает. Ее не враг народа. Прощай, ушедший из жизни, твой Давлат".

Выписка верна:

ПОМОЩНИК ПРОКУРОРА ТУРКИД  
МАЙОР ЮСТИЦИИ

*Мадий Кареев*

14 авгу́ста 1956 г.  
г. Ташкент.

айтиб ариза ёздим ва юқоридаги сохта кўрсатмаларнинг барчасини рад этдим. 1938 йил НКВД мени ҳам қамоқقا олди ва ўша кўрсатмаларни барчасининг рост эканини айтасан деб мажбурлашдилар. Мен эса рад этдим...”.

1957 йил 14 июн мустабид тузум қатағон сиёсати қурбонларидан Мухиддин Турсунхўжаевнинг хотини Зухра Турсунхўжаева (1908) Д.Ризаев ҳакида берилган саволга: “Давлат Ризаев ҳам худди менинг эримга ўхшаган ҳақиқий инсон эди. Бизнинг улар билан оиласидан борди келдимиз ҳам бор эди. Хотини Ҳадичаҳон ҳам ажойиб инсон эди. Биз бир марта Ессентуккида дам олишда ҳам бирга бўлганмиз. Уларнинг давлат ва халқ олдида бирор айби бўлган деб ўйламайман. Д.Ризаев ҳалол, меҳнаткаш ва ватанпарвар инсон эди” дейди. Умуман, қайта сўроқлар давомида Д.Ризаевни билган инсонларнинг барчаси у ҳакида фақат ижобий фикрларни билдирадилар. Д.Ризаев 1957 йил 26 июнда Туркистон ҳарбий округи прокуратураси томонидан вафотидан сўнг оқланди.

Хуллас қуёшли Хоразм заминида туғилиб улғайган Давлат Ризаев мустабид тузум жаллодлари исканжасида қолди ва бошқа беайб ватандошларига тухмат қилишдан кўра ўзини ҳалок этишни танлади. Бироқ, унинг қисқа, атиги 35 йиллик ҳаёт йўли халқимизнинг равнақи, мамлакат фаровонлиги йўлида тинимсиз курашлар остида ўтди. Д.Ризаевнинг “Маориф ва ўқитувчи” журналидаги мақолалари, оташин маърузалари таълим тизимини ривожлантириш йўлидаги изланишлари ўта сермазмун. Қорақалпоғистонда қисқа вақтда халқ хўжалигини тиклаш йўлида олиб борган фаолияти ҳам диққатга сазовор. У Ватан, миллат йўлида ҳалок бўлган деган улуғ шарафга лойиқ зотлардан биридир. Д.Ризаевнинг илмий, ижодий мероси, мазкур шахсдаги ирода ва жасорат барчага ўрнак ва намунадир. Бугун истиқлол замони шундай инсонларни улуглаш ва хотирасини абадийлаштириш давридир.

*Манба: Б.Ирзаев, Ю.Рахмонова. Хоразм вилояти Хотира китоби(58-70бет).*

